

Аёл борки, инсон умри ободдир,  
Аёл борки, кўнглил — хурдир, озоддир!

Элим деб, юртим деб,



ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа  
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 6 март Шанба.  
№ 18 (144209)

Ислом КАРИМОВ:

## ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари



**САВОЛ:** Шу йил 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида мамлакатимиз ва чет эл матбуотида турлича фикр-мулоҳазалар, фараз ва талқинлар билдирилмоқда. Улар орасида мутаассиб террорчи кучларга баҳо берганда ислом динининг асл моҳиятини тўғри англамасдан ёндашиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Муҳтарам Президент, шу масала юзасидан сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдик.

**ЖАВОБ:** Дарҳақиқат, мазкур воқеалар ҳақида нафақат бизнинг матбуотимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кўп-кўп чиқишлар бўлмоқда. Уларда турли хил эҳтимоллар, тусмол ва гумонлар баён этилмоқда. Қабих ниятлар билан қилинган бу мудҳиш ишлар орқасида турган кучларнинг ақлга сизмайдиган қилмишлари тўғрисида ҳолис, вазмин мулоҳазалар билан бир қаторда айрим оммавий ахборот воситаларида асоссиз фикрлар, бирёқлама қарашлар, енгил-елпи хулосалар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга шов-шув гапларга ўч баъзи “чаққон” журналистларнинг, муайян сиёсий ва моддий манфаатлар нуқтан назаридан иш кўрадиган мутахассис ва шарҳловчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу масалада шахсан менда эътироз уйғотадиган

жиҳат шундаки, муқаддас ислом динимизнинг ҳаётимиздаги ўрнини яхши англамайдиган одамлар ҳам бу нозик, мураккаб мавзуга билар-билмас аралашмоқда. Масалага бундай юзаки, бир томонлама ёндашув кишини ранжитади, албатта. Чунки бу хусусда сўз юритаётган айрим муаллифлар бизнинг тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатаётган таъсирини яхши тушунмайди, очиқроқ айтсак, бу муаммонинг негизига етиб боролмайди.

Бу ҳақда мен “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” номли китобимда тўхталиб, дин мадания, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишда беқиёс хизмат қилган, отабобларимизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз, дея зикр этган эдим.

Бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлигим, маънавий оламим мазмунини ташкил этади.

Айтмоқчиманки, биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр Яратгувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда Худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. “Шукур” деган каломни ҳар куни айтмайдиган бирон инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам “шукур” ва “тавба” деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Оллоҳ таолога доимо шукроналар айтаемиз. Тугилганда қулоғимизга азон айтилади, оила қурганимизда шаърий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқилади. Ҳатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий

туйғусиз яшай олмайди.

Бизнинг мусулмончилигимиз, Оллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадики, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қилади.

Ҳаммамизга таниш бир манзарани эслайлик. Кўчадан тобут кўтариб бориляпти. Дуч келган йўловчи -- у пиёдами, машинадами ёки отликми -- дарҳол югуриб келиб тобутга елкасини тутаяди. Камида етти қадам уни кўтаришиб боради. Марҳумни танийдими-танимайдими, бундан қатъий назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиҳа тортади.

Ахир, шунинг ўзи ҳам мусулмончилик, Оллоҳни танишнинг бир кўриниши эмасми? Ахир, шунинг ўзи ҳам Тангри таолога итоат этиш, охиратни ўйлаб яшашнинг бир мисоли эмасми?

Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш учун эмас, иймонимиз, эътиқодимиз амри билан адо этаемиз. Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиётлари ҳақида кўр-кўрона ҳукм чиқариб бўлмайди. Бу ҳақиқатни мен нафақат февраль воқеалари муносабати билан, балки мамлакатимиз тўғрисида фикр юритадиган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига эслатиб ўтишни жоиз, деб билардим.

**САВОЛ:** Кейинги вақтда баъзи хорижий матбуот нашрларида, айрим мухолиф кучларнинг чиқишларида Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлади, деб шов-шув қилинмоқда. Бундай таҳмин ва баҳоратларнинг бирон-бир асоси борми?

**ЖАВОБ:** Дунё афкор оммаси яхши биладикки, биз Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қурмоқдамиз. Барпо этаётган жамиятимизнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва умумхалқ томонидан қабул қилинган. Хусусан, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тақомилига етказилди. Биз диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни вақтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган йўлдир.

(Давоми 2-бетда)

Ислом КАРИМОВ:

# ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

(Давоми.  
Аввали 1-бетда)

Президент мамлакат Асосий қонуни -- Конституцияга тўла амал қилинишига кафолат берадиган шахс. Шундай экан, мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, юқорида зикр этилган шов-шувларга мутлақо ўрин йўқ.

Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўлиман. Алҳамдуллилоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.

Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсоню ким мунофиқ рижкор эканини яхши билади.

Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда, бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Маълумки, ҳозир дунёда 1 миллиард 300 миллион одам ислом динига эътиқод қилади. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Оллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улўғ алломаларимиз, улўғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлўғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад

Яссавий, Абдулоҳлиқ Гиждувоний, Замаҳшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улўғ номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?

Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улўғ аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик? Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улўғ номларсиз, бу улўғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлўғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишга шароит яратмоқдамиз. **Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз.**

Бу борада амалга оширган кўп-кўп ишларимиз -- динга оид минглаб китоблар нашр этилгани, масжиду мадрасаларни обод қилганимиз, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаганимиз, уларнинг эски замонда оёқости бўлиб қолган абадий масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантирганимиз -- буларнинг барчаси халқимизнинг дини исломга меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эҳтиромининг яққол тасдиғи эмасми?

Менга баъзан, ахир, диндорлар сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилишди-ку, деган гижгижловчи, очигини айтсам, динга бўлган муносабатимни, керак бўлса, сиёсатимизни ўзгартиришга ундовчи саволлар ҳам беришади.

Бу хусусида менинг нуқтаи назарим, жавобим шундай: ўша мудҳиш воқеалар муносабати билан Олий Мажлисда бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида мен ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаймиз, деган қатъий фикрни

билдирган эдим. Шу фикрни ривожлантириб айтаманки, мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман. Бу вазифани ўзимнинг нафақат Президент сифатидаги, балки бир мусулмон инсон сифатидаги муқаддас бурчим деб биламан.

Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан бўён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман.

Портлашларни содир этган ижрочилар ва бу кучларнинг орқасида турган ёвуз, жоҳил кимсалар эса уларнинг тирноғига ҳам арзимайди. Ўзингиз айтинг, ўз она Ватанига қўл кўтарган одам одамми?! Бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлган одам одамми?!

Ҳаммамиз яхши биламиз, Куръони каримда бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Бир бегуноҳ одамни ўлдириш -- бутун оламни ўлдириш билан тенг, дейилган. Хўш, ўзини "ҳақиқий мусулмон" деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши кўпоровчилик, хунрезлик, қотилликдан иборат бўлган бу манфур кимсаларнинг мусулмончиликка қандай даҳли бор?!

Бу фикрдан мени ҳеч ким қайтара олмайди.

Содир этилган кўпоровчилик хуружлари хусусида ғазаб-нафрат билан муносабат билдираётган минг-минг ватандошларимизнинг фикру зикри ҳам айнан шундай эканига иймоним комил.

Такрор айтаман: биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шайнига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон мураса қилолмаймиз.

## Ўзбекистон хотин-қизларига

Муҳтарама оналаримиз!  
Мунис опа-сингилларимиз!  
Азиз қизларим!

Аввало барчангизни 8 март - Меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Аёл - Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси.

Табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёлдир.

Биз хонадонларимиз кўрки, юртимиз бекаси бўлмиш аёл зотидан - авлодлар силсиласини давом эттираётган, ҳаётимизнинг гўзаллиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз, опа-сингилларимиздан умрбод қарздормиз. Улар туфайли бу дунёда муҳаббат ва мурувват, инсоф ва диёнат доимо барқарордир. Жаннат оналарнинг оёғи остида, деб бежиз айтилмаган, ахир.

Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб инсоний фазилатлар аввало оналарнинг оқ сути ва меҳр-шафқати билан сингади.

Жамиятимизнинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш мақсадида энг катта таянчимиз ва умидимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтиришда мунис ва муштипар аёлларимиз, меҳрибон оналаримизнинг ўрни ва таъсири беқийс эканини юксак қадрлаймиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

1999 йили малакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишдан мақсадимиз - аввало хотин-қизлар ўз қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бой маънавий дунёсини, меҳрибонлик қудратини намён қилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ўзига муносиб ўринни эгаллаб олишидир.

Шу билан бирга, бу йил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида халқимиз фаровонлигини ошириш, тараққий толган давлатлар даражасига етиб бориш йўлида салмоқли қадам бўлмай, иншоолло.

Менинг жамоатчилигимизга, бутун халқимизга даъватим шуки, аёлларимизнинг оғирини енгил қилайлик, уларни асраб-авайлайлик, ҳар бир кунини мунаввар байрамга айлантирайлик!

Яна бир бор барчангизни қутлўғ айём билан чин қалбимдан табриклайман.

Яратгандан сизларга омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барак тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ГУЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Дунёга гузаллик таратувчи, дилларда баҳор яратувчи - бу Аёл. Мунис аёлларимиз азал-азалдан эъзолаб келинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимизда хотин-қизларнинг нуфузи беқийс ортди. Уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис аёлларимизнинг ижодкорлиги, тадбиркорлиги ва жамоат ишларида фаоллиги жўш урди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан 1999 йил - Аёллар йили деб эълон қилинганлиги опа-сингилларимизга нисбатан чексиз ҳурматнинг ёрқин ифодаси бўлди.

5 март куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 март - гузаллик ва нафосат байрамига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Унда республика жамоатчилиги, турли ташкилот ва муассасалар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг байрам муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўлаган табригини республика Бош вазирининг уринбосари Ҳамидулла Кароматов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Гуломова йиғилганларни байрам билан табриклаб, аёлларга билдирилаётган хурмат, оналик ва курсатилаётган хурмат, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги гамхурлик учун ҳукуматимизга, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Чилонзор туманидаги 16-оилавий

поликлиника шифокори, «Дустлик» ордени соҳибаси Надежда Фролова, Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсанти Умиджон Мўйсиналиев байрам қатнашчиларини, улар сиймосида мамлакатимиз барча хотин-қизларини қутлўғ айём билан муборакбод этди.

Тантанали кеча республикамиз санъат усталари ва ижодкор ёшлар ижросидаги катта концерт билан ниҳоясига етди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг уринбосарлари, Бош вазир уринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов қатнашди.

ЎЗА



## ЁШЛАРНИ АВАЙЛАЙМИЗ

“Февраль воқеалари” мақоласини ўқиб Тошкентда бўлиб ўтган ғаламаларнинг ташкилотчилари ва раҳнамолари хорижликлар эмас, балки мунофиқлик учун ўз Ватанига сизмаган бир гуруҳ кишилар эканлигини билиб, жуда дарғазаб бўлдим.  
Халқимиз, Ватанимиз душманларининг

вахшийликлари оқибатида ўндан зиёд юртдошларим ҳаётдан бевақт кўз юмди. Юртбошимизни эса бизнинг бахтимизга Яратганнинг узи сақлаб қолди.  
Ушбу муаззам кунларда айрим хонадонларда шодлик эмас, ғамгинлик ҳукмрон бўлиши, оналарнинг қора кийишига сабабли бўлган, халқнинг тинч-тотувлигига

раҳна солмоқчи бўлганларга ҳам Аллоҳ таолонинг жазоси бордир.

Мени фожеанинг ижрочилари ёшлар эканлиги афсуслантирди. Демак, биз ота-оналар, йигит ва қизлар тарбияси билан жиддийроқ шуғулланишимиз керак экан.

**Матлуба ПАРПИЕВА,**  
“Тез тиббий ёрдам”  
хамшираси  
Андижон

## ХАЛҚИМГА

*Халқим дардинг олай, дардкашинг бўлай,  
Азиз кўксинг душманларга бўлдими нишон?  
Тўғондингни, мудҳишликнинг ларзаларидан,  
Уйғондингни? Бўлгандингни бир оз паришон?*

*Қурбон бердинг печ азиз фарзандларингни  
Фарёд чекдинг, дунё бўлиб қоронғу кўзга,  
Нафратларинг чексиз, бугун ёвуз ғанимга,  
Аламларинг сизмай қолди ернинг юзига.*

*Аждодлардан сенга мерос буюк ирода,  
Намоён эт ҳур тафаккур, метиндек бардош.  
Энг муҳими енголмайди сени ёвузлар,  
Юртбошинг соғ, элинг омон, бошингда қуёш!*

*Ҳурлигингни ғанимлардан қилгил ҳимоя,  
Ёв илдизин зарпечакдек қуритгил буткул,  
Сенга қурол бўлар доим энг одил ғоя --  
Тинчлик, бирлик, эзгу мақсад, ҳақиқатга йўл!*

Доно ЗИЁЕВА

## ЭРТАНГИ КҮН ИШОНЧИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар қалбимни ларзага солди. Бадният кимсаларнинг ўз юртига, халқига нисбатан заррача бўлса ҳам эзгу тилаги бўлганда эди, бу қабих ишларга қўл уришмасди. Юртбошимизнинг ёшлар менинг фарзандларим, мен уларни ҳеч кимга бериб қўймайман, деб айтганларини тинглаб, қалбимда эзгулик нури ва азиз халқимга бўлган садоқат ҳисси яна бир қарра аланга олди. Шу билан бирга халқимнинг буюк таянчи борлиги, биз каби ёшларнинг меҳрибон отаси борлигидан кўксимда гурур ҳисси жўш урди. Тенгдошларимни, бу буюк қалбга яқинлашимиз учун аввало шу жамиятнинг асл фарзандлари, фидойилари бўлиб, она Ватанимиз ободлиги йўлида бор куч-қувватимизни аямасликка давват этаман. Болаларини қабих ниятли кимсаларга бермайдиган ота тимсолидаги Президентимиз юрифтаётган одилона сиёсатини қўллаб-қувватлаб, қабих ниятли кишиларга зарба берайлик.

**Мамаюсуф МАЖИДОВ,**  
Низомий номидаги  
Тошкент Давлат  
педагогика университетининг  
талабаси

## ХИЁНАТНИ ХАЛҚ КЕЧИРМАЙДИ

--Халқ сўзи газетасида босилган «Февраль воқеалари» мақоласини қизиқиш билан ўқидик.

Шу йилнинг 16 февралда Тошкент шаҳрида содир бўлган террорчилик ҳаракати мамлакатимиздаги, жаҳон ҳамжамиятидаги барча тинчликсевар, элпарвар кишиларни, давлат арбобларидан тортиб оддий фуқарогача -- барчада чексиз нафрат уйғотди.

Истиқлол йўлида эришган ютуқларимиз, мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий ҳолатини барқарорлаштирмақда. Ахир, мамлакатимиз жаҳонга юз ўтирди, жаҳон бизни тан олди. Президентимиз томонидан белгиланган ва узоқ йўлга мўлжалланган ривожланиш концепцияси режаларимизнинг реаллигига далилди. Жамият аъзоларининг истиқлол ҳавосидан тўйиб нафас олишлари, мустақиллик ғояларини ўз онги, қонига сингдириши маъқул концепцияни муваффақиятли равишда бажарилишига кафолатдир.

Бироқ МДХ мамлакатлари ичида барча кўрсаткичлар бўйича устиворликни қўлдан бермаётган жонажон Ватанимизга ҳасад кўзи билан қараётганлар ҳозир ҳам мавжуд. Бундайлар мамлакатимизда ҳам афсусли топилади. Аммо, биз бир нарсани аниқ ва равшан биламиз: булар Ўзбекистоннинг мустақиллигини ва юртимиз келажакнинг душманлари томонидан отилган сўнгги ўқдир. Бизнинг назаримизда улар ўзбек халқининг “ит ҳурар, қарвон ўтар” мақолини билмасалар керак.

Шундай шароитда биз Юртбошимизнинг ғояга қарши ғоя билан, фикрга қарши фикр билан, жаҳолатга қарши маънавият билан курашмоқ даркор, деган нурвиқор сўзларини ўзимизга дастуруламал қилишимиз лозим.

Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият қуриш халқимизнинг асрлар давомидаги энг буюк орзуси, қалб нидосидир. Уни яна мустақамлаш бизнинг фуқаролик бурчимиз, истиқлол йўлида қон тўккан, жон берганлар руҳи олдида қарздоримиз.

Ҳеч қандай террорчилик, қўрқитишлар бизни мустақиллик йўлидан қайтара олмайди. Бу кимсаларнинг ўз Ватанига қилган хиёнатини халқ ҳеч қачон кечирмайди.

**Малика ЯХЪЁЕВА,**  
**Ҳожиакбар ҲОШИМОВ,**  
**Одил ИБРОҲИМОВ**  
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат  
маданият институти талабалари

## КЕЛАЖАККА МАСЪУЛЛИК

Мамлакатимиз Президентига уюштирилган суиқасддан барча сергак тортиди. Зеро, бу жиноят нафақат И. Каримовга, балки бутун халқимизнинг осойишталигига, қолаверса унинг буюк келажакка қарши қаратилган эди.

Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асаридаёқ мамлакатимиз тинчлигига таҳдид солаётган кучлар тўғрисида батафсил тўхталиб, “ҳар қандай ядро полигонларидан ҳам қучли” бўлган мафкуравий таъсир, мафкуравий бўшлиқ ҳақида фикр билдирган эди. Бугунги кунда маъқул фикрлар нақадар ҳаётий эканлиги яққол кўриниб қолди. Бу эса ўз навбатида барчамиздан фидокорликни, ҳар қандай мафкуравий таҳдидларга муросасизлик билан ёндашишни талаб этади.

Юртбошимизнинг инсон ва раҳбар сифатидаги фазилатлари, ўз эътиқодига содиқлиги ва иродаси, тафаккурининг кенглиги мамлакатимиз, жумладан Қашқадарё вилояти ёшлари учун ибрат бўлади. Улар Президентимиз ҳар бир ишда ёшларга таянишини, ишонини билади. Бу ишонч уларга катта масъулият юклайди.

**Солижон ИБРАГИМОВ,**  
Вилоят “Камолот” жамғармаси  
раисининг ўринбосари

## Республика Бадий академияси академиги, заргар Ниёзали Холматов билан аёллардан четроқда бўлмаган суҳбат.

-- Дунёда битта аёл қолса ҳам заргарга иш топилади, дейишадими...

-- Заргарлик пайдо бўлишига ҳам энг аввало, аёлларимиз сабабчи бўлишган. Инсониятнинг безаниш ҳақидаги фикри ҳам бевосита хонимларимиз томонидан пайдо бўлган бўлса ажаб эмас. Кейин эркаклар аёлларга ёқиб мақсадида турли тақинчоқларни ясаб совға қилишган. Шу-шу заргарлик хунари ривож топган. Алқисса, аёлларимиз бор экан, бу хунар эгаларига иш топилаверади. Ўзим ранг-тасвир миниатюрарачисман. 1975 йилдан буён аёлларимиз учун чиройли тақинчоқлар ясаб келаяман.

-- Ўзбек аёлларини хунарингизнинг қайси турлари кўпроқ қизиқтиради?

-- Агар эътибор берсангиз, бу соҳанинг тармоқлари жуда кўп. Босма, филиграмм (майда симлар билан тўқиладиган), қуйма (эритиб), эмал билан безаш каби услублари бор. Ўзбек аёлларимиз кўпроқ босма усулда тайёрланган тақинчоқларни хуш кўришади.

-- Ўзингизга қандай усулда ясалган тақинчоқларга кўпроқ буюртма тушади?

-- Охирги пайтларда мен модерн (яъни, шахсий) услубда ишлар яратаяпман. Мен имча, аёлларимиз ўз тақинчоқларини бошқаларникига ўхшамаслигини хоҳлашади. Бўйинга тақиладиган буюмларнинг кўзларини ишларда ақик, ложувард, феруза тошларидан фойдаланаман, кейин уларни геометрик шакллар тасвирида ясайман.

-- Ўзингизга ёқмаган бирор асарингизни кимгадир совға қилганмисиз?


-- Бир одатим бор. Ўзимга ёқмаган ишни охирига етказмайман. Чунки санъат боқий нарсас. Енгил-елпи ишланган буюмни бировга лойиқ кўрмайман.

-- Замонавий аёл учун қандай тақинчоқларни тавсия этасиз?

-- Охирги пайтларда хотин-қизларимиз ўртасида заргарлик буюмининг урфга айланиши одат тусига кирди. Мен имча ҳар бир тақинчоқ кийиладиган кийимга мос тушиши шарт. Масалан баҳорда киядиган кийимингиз енгил бўлса қулоқдаги зирак ҳам ўшанга уйғунлашиши зарур, деб ҳисоблайман.

Кўпинча қизларимиз ҳамма

ДУНЁДА  
БИТТА АЁЛ  
ҚОЛСА...



бармоқларига тилла узуклар тақиб олишади. Агар эътибор берсангиз, баъзида қичкина элемент ҳам чиройли, бетакрор гўзаллик бахш этади аёлга. Аммо мен ҳар бир аёлнинг ўз тақинчоғи у фақат ўзигагина хос гўзал бўлишини жуда-жуда хоҳлайман.

-- Кўпчилик аёлларимиз заргарлик буюмларига ўч бўлишади. Уларни молпараст деб аташ мумкинми?

-- Гўзалликка интилиш умуман бошқа нарсас. Заргарлик -- санъатнинг мукамал бир тури ҳисобланади. Агар у қимматбаҳо буюм сифатидагина сотиб олинган бўлса ўз кийматини, яъни санъат

асари сифатидаги нуфузини йўқотади.

-- Ўз онангиз учун бетакрор санъат асарини ярата олдингизми?

-- Онамга қадимги садафдан бўйинга тақиладиган зебигардон тайёрлаб совға қилганман. Аммо нима қилсам ҳам уларга кам.

## ЧАВАНДОЗ ҚИЗ

Олис тарихимиз зарварақларида довурак бекаларимизнинг номлари Тумарис, Туркей оға, Кенагас бегим, Қурбонжон додхо сингари қахрамон аёллар сиймосида мардлигу жасорат, гайрату шижоат каби юксак инсоний фазилатлар билан бирга битилган.

Манбаларда қайд этилишича, Турон аёллари сочларини бўрк остига яшириб чавандозлик санъатини кўрсатишган, от устида туриб қилич, қалқон, найза ила жанг қилишган, дубулға ва камондан отиш бобида эгаллаган маҳоратларини йигитлар билан тенгма-тенг намойиш этган.

Бугун ҳам ана шундай мард ва жасур аёлларимиз бисёр. Азал-азалдан шоиру бахшилар, чавандозу полвонлар юрти бўлган Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида Нодира исмли қиз яшайди.

Айтишларича, қахрамонимиз таваллуд топган қишлоқда қадим замонларда бир полвон аёл ўтган экан. Бир куни доврўғи дунёга кетган номдор бир паҳлавоннинг йўли ана шу қишлоққа тушиб, мусобақа уюштирибди. Қишлоқнинг энг олди йигитлари ҳам ўзга юртлиқ машҳур аёл билан курашда енгилди-лар. Охири ўша полвон аёлнинг ори келиб, даврага тушган ва чапдастлик билан паҳлавоннинг курагини ерга теккизган экан. Ўшандан бери бу қишлоқ ўша жасур аёлнинг номи билан Ҳайитгул деб аталиб келинаётган эмиш.

Бу гўша ҳозир ҳам ўзининг полвону чавандоз аёллари билан кишини ҳайратга солади. От устида турган санамларнинг чақону чапдастлиги, эпчилу моҳирлигини кузатиб диллар яйрайди. Нодира эса уларнинг орасида ўзининг маҳорати билан ажралиб туради.

Унинг ота-бобоси ҳам чавандоз ўтган. От уларнинг уйда энг қадрли жонзот. Кекса чавандоз отаси Маҳмадулла отанинг ўғиту тажрибалари, хотира-ю хангомалари таъсирида ўсган Нодира учун от нафақат гўзаллик манбаи, балки беҳад руҳий мадад, ўзлигини ва дунёни янада теранроқ кашф этиш воситаси эканлигини унинг ўз аргумоғига муносабатидан ҳам билса бўлади.

-- Қанийди, юртимизда чавандоз қизлар тобора кўпайиб борса-ю, жойларда уларнинг от спорти билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё бўлса, - дейди Нодира.

Нодира ҳозир 25 ёшда. У туман марказидаги 1-болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайди. Бир куни келиб ўзи тарбиялаётган кичкинтойларнинг от устида зийнат тўкиб юришларини кўриш қалбининг тўридаги орзуларидан бири. Ана шу умидлар болалар билан ўтган дамларни аргумоқ ҳақидаги ширин-ширин эртақлару ҳикояларга улаб бораверади.

Чавандозлик — энг кўҳна миллий спорт турларидан бири-ни эгаллаган Нодира ва дугоналарининг от устида нечоғлик жасур, ўктам ва кўркам юришларини узоқ ва орзиқиб томоша қилиш мумкин. Мен ҳам уларни кузатар эканман, қадимий чавандоз маликаларимизнинг ана шу умидли издошларига ич-ичимдан олқишу таҳсинлар айтдим.

Рисолат МАДИЕВА,  
“Туркистон-пресс” муҳбири



## МЕҲМОН ОПАНИДАН УЛУҒ

Дастурхон безатиш ва меҳмон кутиш ҳам катта бир санъат. Қиз боланинг безатган дастурхонига қараб унинг пазандалиги ва меҳмондўстлигини ҳам билиб олиш мумкин. Безатилган столнинг чиройли чиқиши, таомларнинг хилма-хиллигига, ранги, гуллари бир хил овқатланиш асбобларининг керакли миқдорда мавжудлигига ҳамда уларни жойлаштиришга ҳам боғлиқ бўлади. Гўзал баҳор фаслининг илк қувончи байрами 8 мартда меҳмон кутиш таррадуидасиз. Дастурхонни шундайин танлаб олингки, устига қўйган таомингиз ажралиб туриши билан бирга, чиройли тус ҳам бериб турсин. Ҳар бир меҳмон учун стулнинг тўғрисида биттадан ликопча, унинг ўнг томонида эса вилка, пичоқ қўясиз. Пичоқнинг тигини ликопчага қаратишни унутманг. Биллур гулдондаги қип-қизил чинни гуллар байрам дастурхонингизга ўзгача файз бахш этади. Ҳамма нарсанинг дастурхон устида муҳайё бўлиши мезбонни ҳадеб ташвишлангирмайди. Меҳмон билан бирга ўтиришга имкон беради. Хилма-хил таомлар чиройли манзарани эслатиб туриш билан бирга турмушнинг

фаровонлигидан ҳам дарак бериб туради. Стол устига таомларни шундай жойлаштирадиган керакли нарсанини ола билсин. Меҳмон кутаётган қизлар барчага баробар “Хуш келиб-сизлар” дея эҳтиром қилиб, таомни дастлаб ёши улуг киши олдига қўйиши керак. Вақти-вақти билан қелганларга “овқатдан олинглар”, деб туришни унутманг. Лекин зериктирарли даражада бўлишини унутманг, ошхонадан идиш-товоқларнинг тақиллаган овози эшитилмасин. Бу одобдан эмас. Таом ейишни меҳмонлардан олдин тугатманг. Уларни кетишга ундагандек бўласиз. Дастурхонда ноз-неъматларнинг ҳаммасидан зиёфатдагиларнинг барчаси баҳраманд бўлишига эришиш керак. Меҳмондорчиликнинг мақсади ҳам шу. Байрам кунлари қизларимиз хонадонига ташриф буюрганлар уларнинг меҳмон кутиш одобини кўриб, кийрини келининг шундай бўлса, деб ҳавас қилсинлар. Меҳмон кутишдан беҳабар бўлган қизларимиз эса сиздан меҳмоннавозликнинг нозик сир-асрорларини ўрганиб олишин.

Лола СОАТОВА

Эркаклар овқатни эмас,  
аёлларни севади

## “ШЕФ ОШПАЗ”НИНГ МАСЛАҲАТИ



## Ўзбекнинг “Шум боласи” сиз ёқтирган “Лаззат” кўрсатувининг бошловчиси Абдурайим Абдуваҳобов сизнинг хизматингизда

-- Абдурайим ака, сизни кейинги пайтда энг машҳур пазанда деб ҳам аташяпти. Ҳозирча нечта таом пиширишни ўрганиб олдингиз?  
-- Адашмасам 56 та, адаш-

ган бўлсам ундан ҳам кўпроқ, “Лаззат”нинг меҳмонини қандай танлайсиз?  
-- Асосий таом масаллиқларини кўрсатувимиз ҳомийси “Кока-кола” фирма-

си таъминлаб туради. Меҳмон масаласини эса режиссёримиз Мадина Мўминова танлаб, тақлиф этадилар.

-- Машҳурлардан кимларнинг таомлари иштаҳангизни кўпроқ очди? Қайсиларининг суҳбатлари айниқса ёқди?

-- Ҳамманинг пиширган таоми бир-биридан зўр. Энг ёққани Ҳайрулла Саъдиев билан ўтказган кўрсатувим. Ёдгор аканинг помидорли ладови. Мелис Абзалов пиширган чучвара.

Ҳамир овқатни барча эркаклар ҳам қотириб ташлай олмайди.

-- Эркаклар пазанда эканми, ёки аёллар?

-- Аёлларимиз хафа бўлишмасин-у, кейинги пайтларда овқат турларини тайёрлаш бўйича эркакларимиз уларга қараганда фаолроқ.

-- Кимлар билан овқат пишириш осонроқ?

-- Биласизми, шу эркаклар-

нинг овқатни иштаҳани қарнай қилиб тайёрлаши яхши-ю, аммо секин қимирлашади. О, аёлларимиз таом тайёрлаётганда ҳам оғизлари чарчамайди, улар ҳар бир нарсага пухтапишиқ, чаққон. Бизнинг бир соатда тайёр қиладиган овқатимизни ярим соатга етказмай бошлаб қўйишади.

-- “Лаззат”га ишга кирганингиздан кейин уйдаги вазифангиз ошхонангизга қўчмадими?

-- Худо асрасин, уйда Гулнорахондан ўтадигани йўқ. Фақат ошхонага туз кўриш учун кириб турамиз.

-- Ўзингиз таом пиширишни ёқтирасизми?

-- Ёқтираман. Пиширганингни еган одам э, қўлинг дард

кўрмасин, дейдиган бўлса...

-- Ҳаёт “Лаззат”га эришиш учун қандай маслаҳатлар берасиз?

-- Аввало, ҳаётни очиқ кўз билан кўриш керак. Дангаса одамгина бу турмуш лаззатидан баҳраманд бўлолмайди.

-- 8 март дастурхонига “Лаззат” қандай таом тавсия этади?

-- Аёллар байрамининг дастурхони уларнинг ўзидай гўзал ва ширин бўлмоғи керак.

Ошхонани эркакларнинг ўзлари ишғол этгани. Овқат бемаза бўлса ҳам аёлларнинг ширин қўллари билан ейилса шакарга айланади.

Р.С. Биз “Туркистон”чилар Абдурайим Абдуваҳобовни 8 март хотин-қизлар байрами билан эмас... балки туғилган кунлари муносабати ила муборакбод этамиз.

## ЮРАКЛАРИ МУШТЛАНГАН ОНА

Уни Тошкент йўлбарси деб аташарди. Яна ўзбекдан чиққан жаҳон чемпиони рингдаги тинимсиз жанглари рағбатсиз мукофотлар орқасида Руфат Рисқиев билан бир аёл бўларди. Тўраҳон деган. 280 марталик жангларидаги 273 ғалабанинг ҳаяжониди ҳам, 17 мағлубиятнинг жароҳатида ҳам шу онанинг бутун эълари боласи билан бирга калтакланарди. Бола-сига берилган зарбаларнинг оғриқлари курашлар тугасада тугамасди, фарзандининг яраси битсада битмасди. Чунки у онаси эди. Ўзбек деган миллатнинг, ўзбек деган фарзандларнинг.

-- Ана ўша ўзбеклик Москвага борилганда кўпроқ билиниб қоларди. Оғалардан Руфатнинг кўли баланд келсада "хурмат" сақланарди. Чет элларга бориш кўпинча унга насиб этмасди. Аммо ўзбек ўғлони охириги дақиқаларгача курашди. Кимлигини кўрсатди. Ва ниҳоят неча текширувлар-у, ғалабалардан сўнггина Руфат Рисқиев жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўла олди.

-- Руфат 13 ёшлигидан спорт клубига қатнай бошлаганди. Бир кун эшитсам мактабдаги ўзлаштириши пайсайдани сабаб машқларга қатнашмай кўйибди. Эшитиб хафа бўлдим. Бор, десам, "Бормайман" дейди. Шунда: -- Отанг йўқ бўлса, бизни, опангни ким ҳимоя қилади? -- дедим. Шу-шу Руфатим ҳимоячимга айланди.

Жаҳон чемпионатигага бўлган даврда болам нинанинг устида юргандек эди. Кўп сиқиларди. Тепадагилар

унга йўл очиб бермасди.

Болам бечора бу мусобақаларга қанчадан-қанча калтаклар зарби билан эришганини ўзимгина билардим. Чунки унда бугунгидай юртимизда мустақиллик, эркинлик йўқ эди-да.

Унинг бундан чорак аср муқаддам Кубада бўлган бокс бўйича I-жаҳон чемпионатида қатнашиб, ғолиб бўлиб қайтган кунларини "кечагидай" эслайман.

Руфатхон Монреалда бўлган Олимпия ўйинларида ҳам қатнашиб, кумуш медаль олганди. Ўша пайтда санаторийда эдим. Телевизор ёнига боришга юрагим бетламасди. Эрталабдан кечгача дуо қиламан денг, соғмикан, омонмикан деб, радио эшитаман. Эрталаб ошхонага нонуштага кирдим. Биринчи ўйин ҳақидаги кўрсатувни кўрганлар ўзаро гаплашиб ўтиришибди. Ҳаммининг оғзида Руфат. Болам ҳақида гап эмас-ми, секин қулоқ солдим. Шунда бир аёл: "Шу боланинг онаси борми? Шундай чиройли боласини муштлашувга чиқариб кўйибди-я. Қандай она экан ўша аёл", деди. Ҳеч нарса демай, зўрға оёғимни судраб хонамга чиқиб кетдим. Ўзимни танитмадим ҳам. Фақат боламнинг омон бўлишини Яратгандан сўрадим. Эртасига Руфатнинг қорнига ёмон урушди-да, деган сўзларни эшитдим-у, кийим-

ларимни йиғиб, ҳеч кимга индамай, катта йўлга чиқдим. Бир йўловчи автобус билан уйга етиб бордим. Нима бўлганини кейин қизим Нодирадан эшитдим...

Ҳозирги чемпион болаларимнинг ўзларига ҳам, оналарига ҳам хавасим келади.

Мустабидлик йилларида ҳам ўзбекнинг ўзлигини кўрсата олган бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев онасининг шукронаси. Бошқаларга ўхшамаган она...



**Аёлларсиз  
ҳаёт  
ҳаётми?**

## Байрам табриги сифатида

# 1999 ЙИЛ УЧУН ЮАДУЗААР БАШОРАТИ АЁЛЛАР

Сиз учун йилнинг жуда омадли келиши кутилади. Эркаклар томонидан Сизга муҳаббат изҳорлари, садоқат исботлари, айниқса, хушомад кўп бўлади. Ваъдаларниқу қўяверинг. Қоп кўтариб юрмайсиз, кир юрмайсиз, дазмол камаяди. Осмондан ой йўқолиб, юлдузлар камаяди. Чунки уларни ниҳоят Сизга совға қилишади. Ароқ заводлари атир ишлаб чиқара бошлайди. Тилла арзон бўлади. Йилнинг 3 та "9" (999) билан тугаши бежиз эмасда. Соф олтин йилингиз асло эскирмасин. Бахтли бўлинг. Чиндан Сиз шунга ҳақлисиз.

Зеро:

*Вафо рамзи дебон ҳайкаллар,  
Оқсаройлар, Тожимаҳаллар,  
Нури қўшиқ ўтли газаллар--  
Яратилган бир хумор учун,  
Бу дунёда аёл бор учун!..*

## ЭРКАКЛАР

Ҳар доимгидек биз яна "солдатлар" миз. Аммо руҳимизни туширмайлик. Йил "аёллар"ники бўлгани билан, аёллар кимники?! А, лаббай?! Ҳа, балли. Яшанг. Шунинг учун белни бойлаб, тилни мойлаб, пулни жойлаб аёллар кўнглини топишга интилинг. Аёл кўнглида гап кўп. Унинг ёши бўлмайди, фақат фасли бўлади. Аёл қалбини ҳаминча баҳор этиш эркакка насиб этган. Имконни қўлдан берманг. Омадингизни берсин.

*Аёл зоти мўъжиза, тилсим,  
Қовургадан яралгани чин,  
Тўғриламоқ, тузатмоқ бекор--  
Уни фақат силамоқ мумкин!..*



**Бобур БОБОМУРОД**

## ХОТИН ЎТИН ЭМАС

**лигини қизиқчи Ҳожибой Тожибоев айнан байрам кун эслатиб қўяди**

-- Ҳожибой ака, бу эслатмангиз бизни ҳам ўйлантриб қўйди.

-- Бунинг ҳеч ташвишланарми жойи йўқ. Халқимизда шундай мақол бор экан. "Хотин ўттизга кирса ўтин" деган. Сахнага чиқаманда "Хотин ўттизга кирса нима бўлади?", - дейман. Пастдан аёлларнинг ўзлари жавоб қайтаришади - ўтин. Кейин бошлайман: "Хурматли ўтинлар!" деб. Албатта, бу ҳеч кимга ёқмайди-ган гап. Нафақат аёлларимизга, эркакларимизга ҳам.

Айтайлик, 29 ёшли ке-

лин юрибди, кайфияти йўқ. Чунки яна бир йилдан кейин ўтин бўлади-да. Бўлмаган гап. Бунга ишонманг, хотин бу ёшда ўтин эмас, ўт бўлади. Лекин ёниб кетмайди. Чунки ўтин эмас-да.

-- Оилангизда неча фоиз аёлларнинг ишини ўз зиммангизга олгансиз?

-- "0" фоиз ҳам аёллар ишига яқинлашмайман. Лекин уйда яшайман. Қаранг-да ресторанинг ошпази бор. Қўли гул. Чет элдан меҳмон келса ҳам, ўзга сайёрадан одам келса ҳам овқат тайёрлаб беради. Ўзи эса уйда фақат хотини пиширган

таомдан ейди. Демак, бир гап бор.

-- 8 Мартни қаерда кутасиз?


-- Далада, стадионда, керак бўлса спорт залида, лекин аёллар ичида. Бу йил Жиззахда кутади-ган бўлиб турибмиз.

-- Аёллар учун энг қимматли совға нима?

-- Топилса пул, топилмаса гул ҳам энг аъло совға бўлаверади.

Умрида биринчи бор қизларга совға бераётган укаларимга эса эслатиб қўймоқчиман: 8 Март ҳали кўп бўлади. Бургага аччиқ қилиб кўрпани, йўғ-е чўнтакни ёқиб юборишмасин.

-- Аёллар ҳақида ай-



тилмаган латифангиз.

-- Эр-хотин кўчада кетишаётган экан, бир сабаб бўлиб эрининг кайфияти ёмонлашибди. Хотин "кел, эримни хурсанд қилай, озгина кулиб, чехраси очилармикан", деб дорихонанинг тепасидаги расмни кўрсатиб, "Дадаси тўхтаг, нима бало қилиб қўйишибди, илон ҳам стакандан сув

ичарканми", деб хайратланиб сўрабди.

-- Шуни ҳам билмайсанми, бу расмда онанг тасвирланган-ку, - деган экан эр.

Албатта, бу шунчаки ҳазил. Нима бўлса ҳам, ўтин бўлса ҳам, ўт бўлса ҳам ўз аёлларимиздан, оналаримиздан, онасингилларимиздан айирмасин.

# ЗАМОНАВИЙ АЁЛ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?!

**Муминжон ЙЎЛДОШЕВ, 23 ёш, Қашқадарё вилояти:**

-- Янги замон одамнинг энг буюк фазилати -- меҳнатқашлиги. Агар аёл сусткаш бўлмаса, ҳамisha ёш ва гўзалдир. Ахир энг меҳнатқаш тоифа-- аёл, айниқса, ўзбек аёли-ку демокчимисиз?!

Менинг бир кўшим бор. Ёши 42 да. Бироқ уни кўринишидан нари борса 28-30 ёшда деб ўйлайсан киши. Бир куни ундан "яшаришнинг сири"ни сўраганимда ўз кун тартибини айтиб берди. Бу бир қарашда тинимсиз меҳнатга ўхшаб кўринади. Бироқ бунда ҳеч қандай машаққат йўқ, фақат оддий ювиниш таранишдан то дам олишгача қатъий тартиб асосида бажариш лозим. Кўнглингиздан у аёл ҳақида "танноз бўлса керак" деган фикр кечаётган бўлса янглишасиз.

У уч нафар боласи ва эрини оқ ювиб, оқ тарайди, бунинг устига мактабда муаллим. Унинг дунёқарashi, этиқоди, кўшниларида ҳавас уйғотади. Унинг ютуғи шундаки, ҳеч қачон вақтини бекор ўтказмайди, ҳатто автобусларда ҳам нималарнидир ўқиб юради.

Замонавий аёл ўзини ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадрига етадиган, ҳар қандай имкониятдан самарали фойдалана оладиган шахсдир.

**Карим ИРНАЗАРОВ, 22 ёш, Чирчиқ шаҳри:**

-- Замонавийликнинг таърифи кўп бўлса-да, бу ҳақда энг эътиборлиси бугунги тарбия борасида юритиладиган сўз кадрлироқдир, менимча. Бу эса аёлларимиз билан боғлиқ, уларга маъсулият юклайдиган тушунча. Мен бугун юртимизда ишлаб чиқаришда, жамият бошқарувида фаол иштирок этаётган аёлларимизни жуда қадрлайман. Бунда аёлнинг барча сифатлари, агар имконияти бўлса яна-да жўшқинроқ бўлиши

мумкинлиги кўринади. Ана шундай аёл замонавийдир.

**Сайид САЙДУЛЛАЕВ, 30 ёш:**

-- Агар аёл замон билан ҳамнафас яшаса, ўз фарзандларини ҳам, эрини ҳам замонавийликка ўргатади. Айнан шу борада аёлнинг нақадар тadbиркор бўлиши зарурлиги кўринади. Бунга эришиш йўлида битта асос -- билимнинг аҳамияти катта.

Ҳар қандай инсон ҳам аввало, билимли бўлсагина ўз даври билан бирга яшайди, дунёдаги воқеа-ҳодисалардан, ривожланишлардан воқиф бўлади. Ён атрофимизда ана шундай онахонлар, опа-сингилларимизнинг борлиги мени фақат севинтиради.

**Хуршид БЕК:**

-- Албатта, замонавий аёл аввало чин инсон, меҳрибон сингил, куюнча опа, ҳақиқий она бўлмоғи лозим.

Аслида "замонавий аёл" деган тушунчани ҳам қулоққа бир оз бошқача эшитиладигандек туюлади, менимча. Чунки, аёлларимиз, айнан, ўзбек аёли, ҳар замонда ҳам ўзига хослиги, миллатига бўлган ҳурмати, мустақкам этиқоди билан ажралиб турган.


**Наврўз ЭРГАШ:**

-- Замонавий аёл деганда мен кўз олдимга миллий кийимлар кийган, сочлари узун ва ҳаёли аёллар билан бир қаторда ҳозирги замон талабига жавоб берадиган, яъни хорижий тиллар соҳибаси, замонавий техникаларни тушунадиган, дунё воқеаларидан хабардор ва изланувчи аёлларни тушунаман. Ҳозирда ҳаётимизда учрайдиган аёлларнинг кўпчилиги замонасоз аёллар бўлиб, замонавий аёллар қам. Замонавий аёл бу А. Қодирийнинг "Ўтган кунлар" асарига ўша даврнинг аёли қиёфасидаги Кумуш тимсолидир.

**Ф. ЖАБИЕВ:**

Замонавий аёл бугунги давр талабларига мос равишда иш кўрадиган, миллатига мос ибодли, ҳаёли ва камтар опа-сингилларимиз тимсолидир. Ўз миллий қадриятларини эсдан чиқармаган ҳолда, маданият соҳасида,

муомала борасида барчанинг ҳурмати қозониш замонавий аёлга хос хислат. Эски қолипдан чиқиб, янгилик сари интилган, дунёга янги назар билан боқадиган, маънавий баркамол, шу билан бирга имон-этиқод, эҳтирослари билан яшайдиган аёл замонавийдир.



## ЎЙПАНМА САВОПЛАРИ

**Энига:**


1. Фарзанд учун энг азиз...
2. Чақалоққа айтилган кўшиқ.
3. Гўзаллик сифатларидан бири.
4. Гул.
5. Омад, бахт сўзларининг эгизи.
6. Аёллар журнали.
7. Хўшбўй суюқ модда.
8. Эскирадиган ва янгиланадиган расм-одат.
9. Кир, чангдан холи.
10. Бирор нарсага эришувга иштиёқ баланд муштоқ.
11. Аёлларнинг икки чаккасидаги кокили.
12. Тортиниш, уялиш.
13. Қадимда бойлар хонадоида ёлланиб хизмат қилувчи аёл.

14. "Чархпалак" қаҳрамонларидан бири.

15. Дилни оғритадиган сўзлар таърифи.
16. Янги чиққан ойга қиёсланган қизлар исми.
17. Хамирдан тайёрланадиган таом.
18. Дўстлик, улфатчилик.
19. Букилмас ирода.
20. Ҳовлининг аёллар учун ажратиб қўйилган қисми.
21. Аёллар иштирок этмайдиган кулгу жанри.
22. Пардоз бўёғи.
23. Чақалоқнинг "уйи".
24. Яхши кўрган кишини қизганиш.
25. "Кеча ва кундуз" асари қаҳрамони.
26. Ҳаёт чизиқлари.
27. Аёллар фириғи.

Тузувчи:  
**Х. РЎЗИЕВ**

**Аёл  
йиғламасин  
дунёда**



**КЎРГАНИНИ  
БОЛАСИДАН  
КЎРСИН, АЁЛ**

**ИЛҲОМ ФАРМОНОВНИ ОНАЛАРГИНА ЭМАС,  
ИЛҲОМ ФАРМОНОВ ОНАЛАРНИ ҲАМ ЯХШИ  
КЎРАДИ**

-- Маълумотларига қараганда концертингизда энг кўп томошбинларни аёллар ташкил этаркан...

-- Бундан мен ҳеч хафа эмасман, аксинча хурсандман. Чунки аёл қалби жуда нозик. Уни унчамунчага ром этиб бўлмайди. Кўшиқларим ёққан бўлса керакки, пул сарфлаб кўшиқларимни эшитиш учун келишган.

Уларга мингдан-миг раҳмат.

Мен шундай ўйлайман: оналаримиз, аёлларимиз борки, бизга кўшиқ айтиш учун, саҳнага чиқиш учун имкон топилади.

-- У ер-бу ерда эшитиб қоламиз: оналар бўлажак куёвлари сизга ўхшашини хоҳлайди.

--Ўзи лекин ёмон бола эмасман. Оналаримизни нима учун яхши кўраман, уларга озгина яхшилик қил-

сангиз бўлди, миллион-миллион қилиб қайтаришни ёқтиришади.

Оналарнинг куёвлари менга ўхшамасаям, қизларининг қадрига ўзларининг қадрига етадиган бўлишини истардим.

-- Байрам кунлари яқинларингиз кўнглини қандай олишни истайсиз?

-- Ёшлигимда ашула айтиб берардим...

-- Гастролларда бўлган пайтингизда нималарни ўйлайсиз?

-- Ҳар куни эрталаб туриб ота-онамни кўришга ўрганганман. Сафарда эса умуман кўрмаган жойларим. Уйда эшикдан чиқмоқчи бўлсам онам қаерга кетяп-

онам ҳақида, балки ўзбек оналари ҳақида муносиб куй ҳам, сўз ҳам топа олганим йўқ.

-- У сизнинг назарингизда қандай бўлиши керак?

-- Оналаримизнинг ўзига ўхшаган бетакрор, ҳар бир юракдан меҳр топиб кетадиган. Сўз билан ифодалаш қийин буни. Баъзи оналар бор, боласи балогат ёшига етса, кунингни ўзинг кўр, деб уйдан чиқариб юборади. Бизнинг ўзбек оналаримиз эса 70 га кирсангиз ҳам сизни шамол тегишидан асраб юради.

-- Энди аёлларимизга байрам тилақларингиз.

-- Аввало, хотин-қизларимиз соғ бўлишсин. Яхши кунларимни боламдан кўрай, деб ният қилиб фарзанд ўстириб ундан кўрсин. Оқ ювиб, оқ тарагани кексайганида унинг энг биринчи елкадоши бўлсин.

сан деб сўроқлайдилар. Борадиган жойимни айтсам яхши бориб кел деб қоладилар. Шунгами бироз оғирроқ. Мусофир бўлсангиз ота-онанинг қадрига етаркансиз.

-- Илҳомжон бугунгача онангизга муносиб кўшиқ айтдингизми?

-- Биринчи ижро этган кўшигим, Юракдаги созим илҳомим бугун сизга жоним онажон, деб бошларди. Ҳали нафақат ўз

**Меҳмонлар  
билан Лайло  
КАРИМОВА  
сухбатлашди**

**Н Ъ Ю - Й О Р К.** Ироқ ҳукумати БМТ Бош котиби ҳамда Хавфсизлик Кенгаши АҚШ ва Буюк Британиянинг мамлакатга ҳаводан зарба беришига қарши тегишли чоралар кўришга чақирди. Ироқ ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ас-Сахҳофнинг Кофи Аннан номига юборган мактубида айтилишича, АҚШ жанговар авиациясининг мамлакат шимолидаги нефть станциясига зарба бериши «Нефть эвазига озик-овқат» дастури асосида хорижга «қора олтин» экспорт қилинишига қарши қаратилган. Мазкур нефть станциясига катта зарар етказилгани Ироқ ҳукумати ўз халқини боқиб учун қўшимча маблағ топишига тўққинлик қилади, дейилади мактубда.

**У Л А Н - Б А Т О Р.** Мўғулистон Бош вазири Жанлавин Наранцапалт сиёсий кучларга, давлат хизматчилари ва бутун мўғул халқига мурожаат қилиб, уларни мамлакатнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши йўлида миллий келишув ва бирликка чақирди. Биз ўзаро қарама-қаршилик ва сиёсий кучларнинг тарқоқлигига барҳам бермас эканмиз, иқтисодийтимизнинг тараққий этишига кафолат йўқ, деди у. Бош вазирнинг айтишича, айна пайтда мамлакат учун қонун ҳар нарсадан юқори турадиган давлат ва ижрочи ҳокимият бўлиши ниҳоятда зарур.

**П Х Е Н Я Н.** Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир шу йилнинг сентябрида Хитойга ташриф буюриши мумкин. Жанубий Кореянинг «МВС» телекомпанияси ҳукукат манбаларига асосланиб шу ҳақда хабар тарқатди. Унда айтилишича, ўтган йили КХДРнинг тўла ҳуқуқли етакчисига айланган Ким Чен Ирнинг хорижга бўладиган биринчи сафарига тайёргарлик кўриш учун апрель ойида мамлакат ташқи ишлар вазири Пак Нам Сан Пекинга сафар қилади. У Шимолий Корея етакчиси ва Хитой раҳбарияти ўртасида бўлиб ўтадиган музокараларнинг асосий мавзуларини белгилаши зарур.

**П Е К И Н.** Хитойнинг бу йилги ҳарбий мақсадлардаги харажати 104,65 миллиард юанни /1 АҚШ доллари - 8,3 юан/ ташкил этади. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси ХХР молия вазири Сян Хуайчэннинг маърузасида келтирилган маълумотларга асосланиб шу ҳақда хабар қилди. Ўтган йили ХХРнинг ҳарбий мақсадлардаги харажати 90,99 миллиард юанни ташкил этган эди. Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, мудофаа ишларига мўлжалланган харажатларнинг оширилиши Хитой ҳукуматининг мамлакат қуролли кучларини замонавийлаштириш суръатини тезлаштиришга қаратилган сиёсатининг натижасидир.

**Қ О Ҳ И Р А.** Миср Президенти Хусний Муборак ва Ливия етакчиси Муаммар Қаддофий ўртасида бу ерда бўлиб ўтадиган музокараларнинг асосий мавзуси «Локерби иши» бўлади. Бу ҳақда Миср ташқи ишлар вазири Амир Муса баёнот берди.

Миср ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг айтишича, кейинги ойларида «Локерби иши»да маълум силжишларга эришилган. Жумладан, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари Триполи маъмуриятининг шу иш бўйича суд жараёни Нидерландияда ўтказилиши тўғрисидаги талабига рози бўлган. Бу эса «Локерби иши»нинг ҳал қилинишига умид уйғотади, деди Амир Муса.

Ливия инқилоб раҳбари Муаммар Қаддофий шу ҳафтанинг жума кунини Қоҳирага сафар қилади.

**Қ О Ҳ И Р А.** Бағдод маъмурияти Араб давлатлари лигаси томонидан ташкил этилган Ироққа қарши жазо чораларини бекор қилишга қўмаклашувчи қўмитани тани олмайди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ас-Сахҳоф шундай деди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Унинг таъкидлашича, мазкур қўмита араб дунёсидаги ҳозирги қарашларни ўзида акс эттирган бўлиб, Ироқнинг адолатли талабларини қўллаб-қувватлай олмайди.

Маълумки, Ироққа қарши жазо чораларини бекор қилишга қўмаклашувчи қўмита шу йилнинг январда Қоҳирада бўлиб ўтган араб давлатлари ташқи ишлар вазирлари йиғилишида тузилган эди.



**Қ О Б У Л.** 1996 йилда толиблар томонидан Қобулдан қувиб чиқарилган Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний бундан буён «Толибон» ҳаракатига қарши курашаётган иттифоқчи кучлар томонидан тузилган Бошқарув кенгашига раҳбарлик қилади. Бу ҳақда РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси хабар тарқатди.

Маълумки, Бошқарув кенгаши ва 150 депутатдан иборат парламент тузиш тўғрисидаги қарор ўтган ҳафтада толибларга қарши коалицияга кирувчи турли гуруҳлар ўртасида бўлиб ўтган музокараларда қабул қилинган эди. Ҳокимиятнинг янги органларини тузишдан қўзланган асосий мақсад «Толибон» ҳаракатига қарши курашда ягона стратегияни ишлаб чиқишдан иборатдир.

**А Б У - Д А Б И.** Буюк Британия Саддам Ҳусайн тузумини ағдариб ташлаш ва Ироқда янги ҳукукат тузилишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас. Бу Ироқ халқининг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Буюк Британиянинг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича давлат вазири Дерек Фэтчетт Уммон пойтахти Маскатда бўлиб ўтган матбуот анжуманида шундай деди. Унинг айтишича, Ироқ масаласида янги келишувларга эришиш борасида Буюк Британия ваколлари БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши билан маслаҳатлашувлар олиб бормоқда. Ироқ халқининг оғирини енгили қилишга қаратилган бундай учрашувларнинг ижобий туганишига умид билдираман, деди давлат вазири.

**М А Н И Л А.** Филиппин ҳукумати хорижий давлатларни мамлакатнинг ички ишларига аралашмасликка ва Моро оролинни озод қилиш ислом fronti айирмачиларини қўллаб-қувватламасликка чақирди. Айирмачилар ва ҳукукат ўртасидаги қарама-қаршилик ички сиёсий масала ҳисобланади ва унинг ечилиши учун учинчи бир давлатнинг иштироки республиканинг ички ишларига араланив деб баҳоланади, деди Филиппин Президентининг матбуот котиби.

Хабарларга қараганда, Филиппин ҳукуматининг бундай баёнот беришига сабаб, сўнгги вақтларда айирмачиларнинг Маниладаги баъзи ислом давлатлари элчихоналари билан фаол алоқа ўрнатишга ҳаракат қилаётганидир.

**О С Т О Н А.** Қозғистонга апрель ойининг охирида АҚШ энергетика вазири Билл Ричардсоннинг ташрифи кутилмоқда. Б.Ричардсон республика раҳбарияти билан Каспий нефтини қазиб олиш, янги экспорт маршрутлари лойиҳалари ҳамда Қозғистонда фаолият олиб бораётган АҚШ нефть компаниялари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

«Хабар» телеканалининг хабар қилишича, 1997 йилнинг ўрталаригача Атирау нефтни тозалаш заводининг 60 фоиз маҳсулотини четга экспорт қилинар эди. Ҳозир ушбу завод нефтни қайта ишлаш ҳажмининг 34 фоизга камайтирган. Бунга глобал молиявий инқироз сабаб бўлган.

**Т Б И Л И С И.** 4 март кунини Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе расмий амалий ташриф билан Японияга жўнаб кетди. Э.Шеварднадзе шу куннинг ўзида Токиодаги «Империал» меҳмонхонасида Япония ташқи ишлар вазири Масахико Комуруни билан, шунингдек, Япония ҳукумати бошлигининг расмий резиденциясида мамлакат Бош вазири Кэйдзо Обути билан учрашди. Ташрифнинг сўнгги кунини Грузия Президенти император Акихито билан учрашнинг режалаштирилган.

Маълумотларга қўра, учрашувлар чоғида Грузия ва Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича икки тарафлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Япония ташқи ишлар вазирининг матбуот котиби Садаки Нуматининг таъкидлашича, Япония ҳукумати Э.Шеварднадзени мамнуният билан қутиб олган ва унинг ташрифи бу икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилади.

**К И Е В.** 3 март кунини Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма Польша Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, мамлакат ички ишлар вазири Януш Томашевский бошчилигидаги Польша Республикаси ИИВнинг делегациясини қабул қилди. Учрашув чоғида Л.Кучма Украина ва Польша республикалари ички ишлар вазирликларининг ҳамкорликда иш юритиши, аввало, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўз самарасини беришига ишонч билдирди.

Жумладан, Л.Кучма Я.Томашевскийнинг Киевга ташрифи чоғида ҳамкорликда иш юритиш ҳақидаги келишув имзоланганидан мамнуният изҳор қилди.

**(Давоми. Аввали ўтган сонларда)**

Шунда Мумтоз қиз томон отилиши, уни чиндан ҳам бўғиб ўлдирishi ҳеч гап эмасди. Лекин шу лаҳза кўз олдига Тахмина келди, газабдан тишлари, муштаклари қарсиллаб кетди, бор овозда ташқари томон кичқирди:

-- Ким бор!?

Ичкарига девангирдай бир йигит кирди.

-- Хизмат, хўжайин?

Мумтоз ўзини босиб олишга уринди, лекин аламли овоз билан буюрди:

-- Манави беҳадни ҳозироқ эриникига олиб бориб ташланглар. Бундан кейин мен уни Тошкентда кўрмайин!

-- Бормайман. Ўша хезалак билан яшайман, - Гуландом гапни чўрт кесди. - Тошкентда қоламан. Тошкент ҳаманики!

Мумтоз энди нима қиларини билмай қолганди. Қизининг ҳозирги гапидан, демак эрига кўнгли йўқ, шунинг учун қичиб кетган, деган фикр ҳам ўтди хаёлидан.

Ахийри ён босишга мажбур бўлди:

-- Тошкентда қоладиган бўлсанг, шартим шу: ўзим то бошқа одам топиб турмушга чиқармагунимча, мана шу ҳовлида яшайсан. Кўчага чиқмайсан! - Мумтоз шундан кейин ҳалиги йигитга юзланди: - Бунини шу ерда ишлатасан. Бошқалар қатори ишлаб ҳақ олсин. Яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейди. Агар кўчага чиққанини эшитгудек бўлсам, сен калланг билан жавоб берасан!

Кимсан - жаноб Мумтозбекдек катта хўжайиннинг гулдэк қизи, боз устига қўлидан дон еб ўрганган Гуландомдек ёш бир нозаниннинг жилови унга туққазиб қўйилганидан қувониб, барзанги йигитнинг боши осмонда эди. У ўз ҳаяжонини босолмади:

-- Хўп бўлади, хўжайин! Айтганингиздай қиламан. Ҳозироқ хоним учун алоҳида

хона ажратамиз.

... Дераза ёнида кўча томонга тикилганича хаёл суриб турган Тахмина кўққисдан жиринглаган телефон кўнгиригидан ўзига келди. Шошиб бориб гўшакни кўгарди.

-- Эшитаман.

-- Тахмина опа, сизмисиз? Мен Зилола, Оқсаройдан телефон қилияман.

Тахмина қувониб кетди. Хайрият!

-- Нима қилиб ўтирибсизлар? Эрталабдан бери кўнгироқ қиламан, ҳеч ким жавоб бермайди, - у Зилолага гап бермаёқ саволларни қаторлаштириб ташлади. - Акмал... ўша ердами?

-- Ҳа, шу ердалар. Ҳозир нонвой хонага чиқиб кетдилар.

-- Сурайё-чи?

-- Сурайё холянинг бугун кечаси билан приступи тутиб чиқди. Ярим тунда "тез ёрдам" чақириб, поликлиникага олиб кетувдик. Реанимацияга ётқизишди. Акмал акам иккаламиз кечаси билан ухламай юриб ўқидик.

Зилоланинг охириги гапи беихтиёр суяк-суягидан ўтиб кетди.

-- Мен сендан Акмал билан юриб чиққанингни сураётганим йўқ. Менга Сурайёдан гапир!

Қиз бирдан ҳовиридан тушиб қолди. Энди пастроқ овозда жавоб қилди:

-- Сурайё хола эрталаб ўзларига келдилар. Лекин ахволлари ҳамон жиддий. Ўқтин-ўқтин нафаслари қисилди. Касал-

**СОЛИҚ ҚАҲҚОР**

**ДАЙДИ ҚИЗНИНГ ҲАҚРАТ КЕЧАСИ**

**Иккинчи КИТОВАН**



хонага ётишга кўнмадилар, уйга олиб кетинглар, деб йиғладилар. Духтирлар ҳам ноилж тилхат билан жавоб беришди.

-- Бўпти. Мен ўзим ўтиб бораман. Сен нима қилиб ўтирибсан у ерда, ишингга бормадингни?

-- Акмал акам "аямга укол-пукол қилиб туришга одам керак" деб, ишхонамдан бугунга жавоб олиб бердилар.

Тахмина телефон гўшагини тарақлатиб қўйди. "Бир кечадаёқ бунчалик қаймоқлашиб қолишган бўлса, демак Зилола ҳам чакки эмас!"

Тахмина аччиқ ютиниб қўйди. На чора, Акмал ҳали уйланмаган йигит.

Танлаш учун ҳуқуқ унинг ихтиёрида. Тахмина энди Акмал учун ким бўпти? Йўқ, у тезроқ Оқсаройга бориши, Сурайёни баҳона қилиб, Акмал билан дурустроқ гаплашиб олиши ва ўз ўрнида, Зилолага "Қадамнинг уйлаб бос" деган мазмунда ишора қилиб қўйиши керак.

У шоша-пиша ташқарига отланмоқчи эдики, кутилмаганда Наталья кириб, меҳмон ташриф буюрганини айтиб қолди.

Оқсаройга ўтиб келиш зарур бўлиб турганда бўёғи энди дарисар бўлди, - хаёлидан кечирди Тахмина. Лекин сир бой бермади. Меҳмонга пешвоз чиқди:

Улар ярим соатларча илиқ турунлашиб ўтиришди. Меҳмон Тахминанинг савдо-сотик ишлари билан қизиқди. Харидорни кўпроқ нималар жалб этиши-ю,

бир кунлик савдоси қанча эканлигини суриштирди. Сўнгра, агар Тахмина хоним хўп десалар, мен бу ерга бир-икки контейнер миллий заргарлик буюмларидан жўнатишим мумкин, деди.

-- Кўп яхши бўларди, лекин заргарлик буюмлари бозори ҳамма жойда ҳам чаққон эмаслиги ўзингизга маълум, - жавоб берди Тахмина. -- Шунинг учун мен ҳам бир-икки контейнерли юк учун катта миқдордаги маблағни банд қилиб туролмайманку...

Кутбиддин уни дарҳол тушунди, ётиги билан тушунтироқчи бўлди:

-- Мен сиз билан насия тариқасида иш кўришим мумкин. Иншоллох, узилшиб кетармиз... Сизлар фақат, бу ерда бизнинг мебель бозоримизни кенгайтириб берсаларинг бас.

-- Бўёғига гап йўқ. Лекин менинг мағозомга келадиган товарлар масаласини дўстингиз Мумтозбек билан маслаҳатлашмоқ лозим.

-- Бисёр хуб, бисёр хуб, -Кутбиддин Тахмина билан музокарада бундан ортиқ гап ололмаглигини тушуниб, бу масалага чек қўйди.

Бироқ чет элик меҳмоннинг бу ерга кириб келишидан асосий мақсади бошқа эди. Ҳусну малоҳат маликаси "дам олиш ва даволаниш" учун чет элга бориш тўғрисидаги ваъдасини унутгани йўқмикин? У ноилж ана шунга шаъма тариқасида яна илова қилди:

-- Дарвоқе, ўз ваъдангизга мувофиқ биз томонга бафуржа борганингизда, биздаги заргарлик буюмларининг минг бир хил туридан ўзим ажратиб бераман...

Тахмина унинг ниятини тушунди. Эски шайтонлик одатини қилиб Кутбиддиннинг юрагига яна чўг ташлаб қўйди:

-- Ундай бўлса, сиз томонга қанот чиқариб учиб борганим бўлсин...

(Давоми бор)

## СОВГА ТАНЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

Куйидаги тест бу саволга жавоб топишингизга ёрдам бериши мумкин.

1. Совгани нима учун берасиз: сизни унутмаслиги учунми?

А. Йўқ. Б. Баъзида. В. Ҳа, муҳим.

2. Совганинг қадри унинг албатта фойдали бўлишида деб ҳисоблайсизми?

А. Шароитга қараб. Б. Албатта. В. Йўқ.

3. Қандай совга олишни у аталган киши билан маслаҳатлашасизми?

А. Деярли ҳар доим. Б. Бўлиб туради. В. Аҳён-аҳёнда.

4. Қимматли совга билан туҳфа олаётган кишининг тилини қисиб куйишни уйлайсизми?

А. Йўқ. Б. Бундай деб уйламайман. В. Албатта.

5. Совга олаётганда унинг сифати ва қанча туришини муҳим деб ҳисоблайсизми?

А. Ҳа. Б. Шундай ҳам бўлиб туради. В. Йўқ.

6. Сиз тақдим этаётган совгадан кейинчалик унингиз ҳам фойдаланишни уйлаб кўрасизми?

А. Ҳеч қачон. Б. Кўпинча. В. Шундай ҳам бўлиб туради.

7. Севгилингизга, қариндошларингиз ва дўстларингизга алоҳида маъно берадиган совга тақдим этишни ёқтирасизми?

А. Баъзан. Б. Албатта, ёқтираман. В. Йўқ.

8. Совга танлашга масъулият билан қарайсизми?

А. Катта масъулият билан. Б. Шароитга қараб. В. Кўп бошимни қотираман.

9. Сизнингча, битта зўр совга олган яхшими, ёки бир нечта майда-чуйда?

А. Яхшиси битта, зўридан. Б. Бир нечта майдасидан. В. Шароитга қарайман.

10. Совга бераётганингизда кўнглингиздан таъма, гирлик ёки вақти келганда миннат қилиш фикри ўтадими?

А. Йўқ. Б. Ҳа. В. Вазиятга қараб.

Энди ҳисоблаб кўрамиз. 0 - 10 балл. Сиз ҳар бир инда тартибли, одоб-ахлоқли, ишончли одамсиз. Сиз чиройли гул, мазали бирор егулик харид қилиб, яқинларингизни хурсанд қилишни хоҳлайсиз.

11 - 15 балл. Сиз одами, ичимдан тош, дейдиганлар хилдансиз. Бошқалардан ўзингизни усту кўйишга ҳаракат қилиб, ўз оқибатингизни яширишга нитиласиз. Узингизни эркин кўйинг.

16 - 20 балл. Сиз ажойиб дўстсиз. Сиз севгилингиз ва дўстларингизнинг хоҳишлари ва орзуларидан воқифсиз. Доимо уларнинг кўнглини олишга нитиласиз. Сиз ақду фаросат билан совга танлашга яқинларингиз ва дўстларингизга миннатсиз ёрдам беришга нитиласиз.

## СИЗ СЕВАСИЗМИ?

Куйидаги саволларга "Ҳа" деб жавоб берсангиз "1" балл, инкор этсангиз "0" балл оласиз.

\* Мен унга ҳамма нарсани ишониш мумкин, деб ҳисоблайман.

\* У менинг тўғримда яхши фикрда, деб уйлайман.

\* Уни энг мафтункор аёл (йигит) деб биламан.

\* Унинг учун ҳамма нарсага тайёрман.

\* Мен унга ўхшашни хоҳлайман.

\* Кўнглим гап тортиганда фақат у билан дардлашгим келади.

\* Биз бир-биримизга маънан ўхшаймиз, деб ҳисоблайман.

\* Унинг яхши яшаши учун ўзимни масъул деб биламан.

\* Уни бир марта кўрган киши доим ёқтириб қолади.

\* Унинг менга ишонишидан бошим осмонга етади.

\* У жуда ақли инсон.

\* Усиз менга яшаш ниҳоятда қийин.

\* Биз бирга бўлсак, кайфиятимиз бир хил бўлади.

10 - 14 балл олдингиз. Демак сиз уни севасиз.

6 - 9 балл. Бахтингиз севгидагина эмас.

0 - 5 балл. Сиз ҳали ўз севгилингизни учратганингиз йўқ.

## КУНДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(8 мартдан - 14 мартгача)

**ҲАМАЛ.** Душанба кўнглим бошланмасда, хафта бўлманг, сешанба куни ҳамкорлар билан тузган битимингиз кайфиятингизни кутаради. Чоршанба куни моддий жиҳатдан омадли. Пайшанбада ўзингизни эҳтиёт қилинг. Жума куни қувонасиз. Шанбада яқин кишингиз билан учрашасиз. Якшанбада яхши дам олишингизга имкон яратилади.

**САВР.** Душанба ижод учун қулай кун. Сешанбада соғлигингизга эътибор беринг. Чоршанба куни элдигилардан йироқ бўлганингиз маъқул. Пайшанбада анча чарчаганингиз сезилади. Жума ва шанба кунлари ўзингизни эҳтиётлаб яхши дам олишга ҳаракат қилинг. Якшанбада дўстларингиз билан учрашасиз.

**ЖАВЗО.** Ҳафта бошида ҳамкасбларингиз билан яхши



муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Чоршанбада сирли учрашув. Пайшанбадан кўнглироқ кутинг. Жума ва шанба кунларини оила аъзоларингиз даврасида ўтказганингиз маъқул. Якшанба самарали ижод учун қулай кун.

**САРАТОН.** Душанбада алданиб қолманг. Сешанба куни ҳамкорлар билан учрашув кутилмоқда. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба куни ижод-чикирларга аҳамият бермастик-ка ҳаракат қилинг. Жумада яқин кишингиз билан дийдорлашасиз. Шанба куни ҳаммингиз тўлади. Якшанба куни яхши дам олинг.

**АСАД.** Душанба куни сизни табриклашади. Сешанбада жанжаллардан ўзингизни четта олинг. Чоршанбадан кўнглироқ кутинг. Пайшанба куни ҳаммингиз тўлади. Жумада кўнглим харид қиласиз. Шанба ва якшанба кунлари ўзингизни эҳтиёт қилиб, яхши дам олишга ҳаракат қилинг.

**СУНБУЛА.** Ҳафта моддий жиҳатдан омадли бошланади. Сешанба куни яқинларингизга хушмуомала бўлинг. Чоршанбада сизга кўнглироқ бўлиб, учрашувга таклиф қилишади, пайшанбани дўстлар даврасида ўтказасиз. Жума куни бошлаган ишларингиз ўз самарасини беради. Шанбада яхши дам олинг. Якшанбани оила аъзоларингиз даврасида ўтказганингиз маъқул.

**МЕЗОН.** Душанба куни ҳаммингиз тўлади. Сешанбада майда гапларга парво қилманг. Чоршанбадан кўнглироқ кутинг. Пайшанба куни сиз кутган учрашув. Жумада қувонасиз. Шанбани ўзингизга бағишланг. Якшанбада режалаштириб кўйган ишларингиз билан шуғулланг.

**АҚРАБ.** Ҳафта бошида кутилмаганда кўнглигизга пул тушади. Чоршанба самарали ижод учун қулай кун. Пайшанба куни нафақат яқинларингизга, бошқаларга ҳам жуда ёқинингиз исботланади. Жумада қизишманг, жаҳл чиқса ақл кетади, деган гапни ёдингизда тутинг. Шанба куни меҳмондорчиликка борасиз. Якшанба дўстларингиз билан учрашасиз.

**ҚАВС.** Душанба куни кутганингиздек бошланади. Сешанбадан кўнглироқ кутинг. Чоршанбада моддий томондан омадингиз келади. Пайшанба куни элдигилардан йироқ юринг. Жума ижод учун қулай кун. Шанбада яхши дам олинг. Якшанба сирли учрашувларга бой бўлади.

**ЖАДЪЙ.** Ҳафтани ишга чанқоқлик билан бошлайсиз. Сешанба куни ҳамкорларингиз билан тузган битимлар ўз самарасини беради. Чоршанбада кўпам асабийлашманг. Жума ва шанба куни ишга кўмилиб кетасиз. Якшанба куни ҳиссиётларга эмас, ҳаётий тақрибанингизга суянинг.

**ДАЛЪ.** Душанба куни бироз соғлигингиз безовта қилади. Сешанбада кайфиятингиз о'қсиз. Чоршанба куни сирли учрашув. Пайшанбадан кўнглироқ кутинг. Жума ҳамкорлик битимлари тузишга қулай кун. Шанбада беҳад қувонасиз. Якшанба куни янглик кутинг.

**ХУТ.** Ҳафта боши кўнглидагидек ўтади. Сешанбада яхши дам олиш учун қулай шароит бор. Чоршанба ва пайшанба кунлари бошлаган ишларингиз бароридан келади. Жумада асабийлашманг. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

## ОСМОНДАН ТИМСОҲ ЁҒАДИ

Эрамиздан аввалги III асрда яшаб ўтган грек адиби осмондан ёмғир билан қурбани сўрагани ҳақида ёзган эди. Ушанда уйлар қурбаниларга тушиб кетибди, ҳатто қозон-товоқлар ҳам. Бир замонлар осмондан ҳатто балиқлар ва чиганоклар ҳам тушганлигини қадимгилар ёзиб қолдирган. 1934 йилда гаройиб воқеа содир бўлган экан. АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари самолёти Калифорния уёра учиб кетаётганида учувчилар бошлари узра қаттиқ бир нарсани келиб урилганини сезишган. Улар булутларни ёриб ўтаётган самолёт атрофида ҳар бири 60 сантиметрдан келадиган тимсоҳлар сузиб юрганини кўрган. Ҳатто 1964 йилда эса худди шу Калифорниядаги уйлардан бирига ёмғир билан бирга бир ярим метр узунликдаги тимсоҳ ёққан.

## УЙҚУ УЧУН ТАНАФФУС

Америкадаги машҳур тележурналистлардан Джим Лере ҳар куни соат 12.30да ишхонасида бир соат мизғиб олар экан. Хуш, нега овқатланиш учун бир соат танаффусга чиқилади-ю, аммо ухлаб олиш учун мумкин эмас. Америка олимлари ҳатто шу масала устида ҳам бош қотиришмоқда. Улар ишхонада мизғиб олишни хоҳловчилар учун иккита мослама яратишибди. Иккинчиси, осмонга йиғиладиган ва ёзилдиган, кўрпали стол қароват ҳамда ёруғликни тўсидиган ва махсус

массаж мосламалари бор студия ишхонада мизғиб олиш иштиқманларига маъқул келаетир. Олимлар фикрича, кундузи озгина муддат - ҳатто 5-10 дақиқа мизғиб олиш ишловчиларнинг иш унуми, зийраклиги ва иш қобилиятини анча оширади экан.

## ҲАЙВОНЛАР, У ФОЙДАЛИ...

Аёллар йиғлашни "ёқтиришмайди". Олимлар ҳистуйғу таъсирида пайдо бўлган кўз ёшнинг кимёвий таркибини ўрганишибди. Уларнинг ҳулосасига ишонадиган бўлсак, йиғлаганимизда организм ажратадиган суяқлик таркибидеги грикони қолдирувчи моддалар бор экан. Аммо пиёза тўғраш вақтида кўзимиз ёшланган бўлса-да, бундай модда ажратилмас экан.

## "РОМАНТИК" ТОРТИ

Тайёрлаш усули.

Масалиқлар: 5 донна туҳум, 150 грамм шакар, 1,5 чой қошиқ лимон уни, 150 грамм ун, 30 грамм крахмал, 90 грамм эритилган сарғег.

Туҳум оқини кўпиртириб, унга шакар, оз-оздан ун, крахмал ва сарғег қўшиб ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади. Иссиқлиги 190°C бўлган духобкага хамирни учга бўлиб думалоқ қолипа солиб ўртача оловда қизаргунча 10-15 минутдан пиширилади. Кейин уларга смородина, ўрик қиёмлари торт орасига суриб, уларни қаватма-қават қилиб ёпиштирилади. Энг устки қаватига оқ крем сурилиб, унинг устидан энг ингичка гул чиқарадиган юнқина темир асбоб билан шоколадли кремни айланасига юргизилади. Шунинг эсдан чиқармангки, шоколадли крем сал суяқроқ бўлиши керак. Торт устида айланма ҳосил бўлганидан кейин уни пичоқ билан худди кесаётгандек чизилар билан чизиб чиқилади. Шоколадли крем кесаётганингизда пастра қараб чўзилади шунда тортингиз бутунлай бошқача чиройли туста киради.

Шаҳноза ва Нуржохон тайёрлашди

Газетанинг навбатдаги сони 13 мартда чиқади.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОП» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Рўзибой ҲАМИДОВ

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Қабулхона — 136-56-54

Хатлар бўлими — 133-79-69



МАНЗИЛИМИЗ:

10003 Ташкент шаҳридаги 22-й  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланши мумкин.